

Индонезияда “Ислом уммати бирлиги ва глобал муаммолар” мавзuida конференция бўлиб ўтди



13:35 / 24.11.2018 2410

Мавлид оyi муносабати билан Бантане шаҳридаги Мавлоно Малак Ҳасан ал-Дин университетиде ташкил этилган тадбир Қуръони карим тиловати билан бошланиб, махсус дастурлар билан давом этди, деб хабар беради IQNA.

Хабарда айтилишича, “Пайғамбаримиз бутун инсоният учун энг гўзал намунадир. Агар биз бахтли ва шонли ҳаётга эга бўлмоқчи бўлсак, бутун ҳаёт тарзимизда, ҳолатларимизда ва сўзлашларимизда ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашишимиз лозим”, дея таъкидлаб ўтган университет кенгаши раиси.

Тадбирда олим ва мутахассисларнинг чиқишларидан сўнг, иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Islom.uz портали таҳририяти